

**ИНДОНЕЗИЯДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ИБРОҲИМ САМАРҚАНДИЙ АВЛОДЛАРИ**

Feruz Z. Kholmuminov,

Researcher of the Department of Research on Contemporary  
Islam of the Imam Maturidi International Scientific Research

Center. A. Kadiri str.11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: dangeroux.93@mail.ru

**ABSTRACT**

Ўзбекистон ҳудуди, хусусан, Самарқанддан етишиб чиққан етук алломалар ислом дини ва тасаввуф тариқатларининг бутун дунё бўйлаб тарқалишида муҳим ўрин тутган. Буни самарқандлик олимларнинг Индонезия ислом дини тарқалишида кўрсатган хизматларидан ҳам кўриш мумкин. Жумадил Кубро билан бошланувчи самарқандаликлар оиласи нафақат архипелагда балки бутун Жануби-Шарқий Осиёда ислом дини ва тасаввуф тариқатларининг маҳаллий аҳоли қундалик турмуш тарзига айланишига катта ҳисса қўшган. Улар қолдирган меърос бугунги кунда ҳам аҳоли томонидан юксак қадрланади.

Жануби-Шарқий Осиё хусусан, Индонезия тарихида самарқандлик алломаларнинг ўрни беқиёс бўлишига қармасдан уларнинг фаолияти фақат бир қанча индонезиялик маҳаллий тарихчилар томонидан ўрганилган. Ўзбекистон илмий доираларида фақат жанубий ва шарқий Осиёдаги ислом тарихи диншунослик нуқтаи назаридан қисқача ўрганилган аммо, архипелагдаги самарқандлик шахслар фаолияти борасида илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Калит сўзлар:** Индонезия, архипелаг, ислом, даъват, шажара, ярим орол, сўфий, тасаввуф, ислом, насабнома, муфтий, авлиё.

**КИРИШ**

Архипелагда фаолият юритган Самарқандийлар оиласи Жумадил Кубро ва унинг икки ўғли Малик Иброҳим Самарқандий ҳамда Мавлоно Исҳоқ Самарқандийлар билан бошланади. Ушбу авлиёлар ўрта асрлардаги Индонезия ҳудудларида кенг миқёсда даъватчилик ишларини олиб боради. Вақт ўтиб халқ орасида обрўси мустаҳкамланиб уларнинг ортидан аҳоли эргаша бошлайди. Самарқандийлар таъсири натижасида маҳаллий ҳукмдорлар ислом динини қабул қилади ва улар билан қариндошлик ришталарини боғлаб исломга янада яқинлашиш мақсадида ўз қизларини Жумадил Кубронинг ўғиллари Иброҳим Самарқандий ва Мавлоно Исҳоқларга турмушга беради. Вақт ўтиб уларнинг авлодлари ҳам ислом динининг ёрқин намоёндаларига айланади. Бруинессен Бабадда келтирилган Сунан Калияганинг насабномасида Жумадил Кубро номи “Жумадил Макбур” шаклида ёзилганини ва ундан сўнг Шайх Асва ал-Сафараний исмли шахс келтирилганини ҳамда унинг номи бошқа манбаларда “Сағҳарнане” ёки “Сафаранай” шаклида ҳам учрашини келтиради<sup>1</sup>. Аммо Бруинессен бу шахснинг нисбаси

<sup>1</sup> Martin van Bruinessen, Najmuddin al-Kubra, Jumadil Kubra and Jamaluddin al-Akbar; Traces of Kubrawiyya influence in early Indonesian islam. Bijdragen tot de Taal-, Land- en Volkenkunde 150 (1994), no: 2, Leiden, p.320.

Исфараний сўздан келиб чиққан бўлиши мумкинлигини илгари суради. Шайх Асва ал-Сафаранийнинг нисбасида келтирилган Сафараний ёки Сағҳарнани сўзлари Соғаржий нисбасининг ўзгаришга учраган шакли бўлиши мумкин. “Соғарж” сўзи араб тилида ёзилганда “сғрж” ўзак ҳарфлари билан ифодаланади, агар ундаги “ғ” ҳарфининг нуқтаси тушиб қолса ёки нотўғри ўқилса бу сўз “сфрж” ўзагига айланиб қолади. Бу эса ўз навбатида Индонезиядаги Жумадил Кубро ва унинг авлодлари бўлган Самарқандийларнинг Шайх Аловуддин Бурхониддан Соғаржий билан алоқасини исботлайди. Қолаверса, Бруинессеннинг ўзи ҳам манбаларда Асва исмли Исфараний нисбали тарихий шахснинг учрамаслигини айтиб ўтади<sup>2</sup>. “Бабад танаҳ Жавийда” Жумадил Кубро ҳозирги Семаранг Жанубидаги Бергота тепаликларида дафн этилгани айтилади<sup>3</sup>.

Жумадил Кубро дастлаб Ява оролига икки ўғли билан келгани катта ўғли Иброҳим Самарқандий Виетнам жанубидаги Чампа минтақасига, иккинчи ўғли Мавлоно Исҳоқ эса Ачех ҳудудларига исломни тарғиб қилиш мақсадида жўнаб кетган.

Иброҳим Самарқандийнинг Сайид Али Муртазо (Раден Сантри) ва Сайид Али/Аҳмад Раҳматуллоҳ (Сунан Ампел номи билан ҳам танилган) исмли икки ўғли бўлган. Али Муртазо халқ орасида Ража Пандита Бима, Сунан Лембаюн, Раден Самат, Дайан Сантри Али, Али Мусада, Фазл ас-Самарқандий ва Раден Сантри Гресик номлари билан машҳур бўлган<sup>4</sup>. У Нуса Тунгара, Мадуро, Бима каби минтақаларда ислом динини тарғиб қилган<sup>5</sup>. Манбаларда Али Муртазо Рара Сити Талтун билан турмуш қургани ва Усмон Хожи (Сунан Нгудунг), Хожи Усмон, Нъяи Геде Тундо ҳамда Али Мусйтар исмли тўрт фарзанд кўргани келтирилади. Усмон Хожи Али Муртазонинг фазандлари ҳам архипелагда ном таратган етук дин пешволари бўлиб етишади ва минтақада ислом дини янада кенг тарқалиши учун хизмат қилади. Усмон Хожи Теменгунгнинг қизи Вилватикта билан турмуш қуради ва Сунан Қудус ва Деви Сужина исмли икки фарзанд кўради. Сунан Қудус ҳам оталари изидан бориб машҳур авлиёлардан бўлиб етишади. У халқ орасида Амир Хожи ва Жафар Содиқ номлари билан танилган.

Хожи Усмон эса Сунан Ампелнинг қизи сити Шариат билан турмуш қуради, уларнинг Амир Хасан исмли фарзанди Сунан Манюран номи билан танилган дин пешвоси саналади.

Али Муртазонинг Нъяи Геде Тундо исмли қизи эса Халифа Хусайн (Сунан Кертоёсо номи билан ҳам танилган) билан оила қуради ва Халифа Сухуро исмли фарзанд кўради<sup>6</sup>.

Манбаларда Муртазонинг Рара Сити Талтундан ташқари Дях Ретно Манинжум бинти Аря Тежо билан ҳам турмуш қургани айтилади. Али Муртазо ҳаётининг сўнгги йилларини Гресикда ўтказди ва 1449 йилда вафот этади. Унинг қабри Гресикдаги Иброҳим Самарқандий мақбараси яқинида жойлашган.

Тарихий манбаларга кўра Самарқандий ва Чампа маликаси Чандравуланнинг иккинчи ўғли Али Раҳматуллоҳ 1401 йилда Чампанинг Фантъет шаҳрида дунёга келади. Али

<sup>2</sup> Ўша манба. – P. 315.

<sup>3</sup> Budiman, Amen, 1978, Serharang riwayatmu dulu, Jilid pertama, Semarang: Tanjung Sari. Hlm. 92-94.

<sup>4</sup> Firmansyah, Wahyu. (15.06.2022 Sejarah Sunan Gisik 'Raden Santri') <https://www.nu.or.id/esai/sejarah-sunan-gisik-raden-santri-11TvQ>

<sup>5</sup> Agus Sunyoto. Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah. Jakarta: Mizan, 2012. – P. 83.

<sup>6</sup> HR Sumarsono, Babad Tanah Jawi. Jakarta: PT Buku Seru, 2014. – P. 53.

Раҳматуллоҳ Валий сонгонинг дастлабки авлиёларидан, у архипелагда ислом дини тарқалишида муҳим ўрин тутган бўлиб халқ орасида Раден Раҳмат, Сунан Нгампел ва Сунан Ампел каби номлар билан танилган<sup>7</sup>.

Али Раҳматуллоҳ ўз фаолиятини Сурабая яқинидаги Ампел Дентада ислом динини ўқитиш мақсадида мактаб ташкил қилишдан бошлайди. Ушбу мактабда Малай оролларида ислом дини ёйилишида муҳим ўрин тутган Сунан Гири, Раден Патах (Фатх/Фаттах), Раден Кусен, Сунан Бонанг, Сунан Дражат ва бошқа тарихий шахслар етишиб чиққан. Али Раҳматуллоҳ Ампел Дентадаги хизматлари туфайли халқ орасида Сунан Ампел (Ампел устози) номи билан ардоқланади. У ислом даъватчиларини Мажапахитга бўйсунувчи ҳукмдорларнинг қизларига уйлантириб ушбу минтақаларда ислом дини янада кенг тарқалишига тўртки беради ва бутун архипелаг бўйлаб ўзаро қариндошлик ришталари билан боғланган зодагон мусулмон оилалари тармоғини яратади<sup>8</sup>. У Сурабая ва Мажапахитдан тортиб то Калимантаннинг Сукадана ҳудудларигача давлат қилган.

Али Раҳматуллоҳнинг кенг тарқалган насабномасида ўзи билан биргаликда 22 кишининг номлари келтирилган (3-иловага қаранг). Ява тарихий манбаларида Раден Раҳмат акаси Али Муртазо, амакиваччаси Раден Бурера (Абу Ҳурайра) ва отаси Иброҳим Самарқандий билан биргаликда ислом динига даъват қилиш мақсадида Ява оролининг Тубан минтақасига келиб жойлашади<sup>9</sup>. Кейинчалик у Тубан ҳукмдори Аря Тежанинг қизига уйланади ва отаси вафот этгунига қадар шу ерда қолади, сўнгра Мажапахит ҳукмдорининг хотини бўлган холаси Деви Даравати билан учрашиш мақсадида Мажапахит пойтахига йўл олади.

Сунан Ампел Палембангда ҳам бир муддат даъватчилик фаолияти билан шуғулланади. Маҳаллий ҳукмдорга ислом дини тўғрисида таълим беради<sup>10</sup>.

“Бабад Нгампелдента” қўлёзмасида Раден Раҳмат Мажапахит ҳукмдори томонидан Сурабаяга “Сунан” (Устоз, муаллим, пир каби маъноларда қўлланилади) унвони билан масжидга имом қилиб тайинлангани тўғрисида маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>. Бу эса Сунан Ампелнинг Мажапахит ҳукмдори билан яхши муносабатда бўлганлигини кўрсатади.

Бабад танаҳ Жавийда айтилишича Раден Раҳмат Ки Банг Кунингнинг қизи Мас Каримага уйлانган. Бу никоҳдан Мас Муртосия ва Мас Муртосима исмли икки қиз туғилади. Раден Раҳмат Ки Банг Кунинг қароргоҳи яқинида масжид қуриб исломга даъват қилган<sup>12</sup>.

Сунан Ампелнинг Аря Тежанинг қизи Чандравати билан қурган турмушидан икки ўғил уч нафар қиз, Ки Банг Кунингнинг қизи Мас Карима билан қурган оиласидан эса икки қиз олти нафар ўғил фарзанд кўради.

<sup>7</sup> Thomas W. Arnold, *The preaching of Islam: A history of the propagation of the muslim faith*. London: Constable, 1977. – 332 p.

<sup>8</sup> Agus Sunyoto, *Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah*. Jakarta: Mizan, 2012. – P. 191.

<sup>9</sup> Қаранг: Lembaga Research Islam (Pesantren Luhur Islam Sunan Giri), *Sejarah dan Dakwah Islamiyah Sunan Giri*. Malang: Pesantren Luhur, 1975. – 120 h.

<sup>10</sup> Thomas W. Arnold, *The preaching of Islam: A history of the propagation of the muslim faith*. London: Constable, 1977. – P. 159.

<sup>11</sup> Babad Ngampeldenta: Жакартадаги Сонобудойо музейи кутубхонасида сақланувчи No. S-136. рақамли қўлёзма.

<sup>12</sup> Agus Sunyoto, *Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah*. Jakarta: Mizan, 2012. – P. 194.

Али Раҳматуллоҳ 1479 йилда “Демак Буюк масжиди”га асос солади. 1481 йилда Индонезиянинг Сурабая минтақасида вафот этган<sup>13</sup>. Вафотидан сўнг Демак масжидида унинг фаолиятини ўғли Раден Зайнал Обидин давом эттиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, унинг қолган фарзандлари ҳам Индонезиядаги ислом дини тарихида ўз ўрнига эга бўлган мусулмон уламолар сифатида ном таратган. Уларнинг мақбаралари бугунги кунда маҳаллий аҳоли томонидан зиёратгоҳларга айлантирилган. Қолдирган асарлари эса маҳаллий халқнинг кўнгилдан жой олган.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Agus Sunyoto, Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah. Jakarta: Mizan, 2012. – P. 194.
2. Babad Ngampeldenta: Жакартадаги Сонобудойо музейи кутубхонасида сақланувчи No. S-136. рақамли қўлёзма.
3. Firmansyah, Wahyu. (15.06.2022 Sejarah Sunan Gisik 'Raden Santri') <https://www.nu.or.id/esai/sejarah-sunan-gisik-raden-santri-11TvQ>
4. Husnul Hakim. Sejarah lengkap Islam Jawa: Menelusuri Genealogi Corak Islam Tradisi. Yogyakarta: Laksana, 2022. – H. 77-78.
5. HR Sumarsono, Babad Tanah Jawi. Jakarta: PT Buku Seru, 2014. – P. 53.
6. Lembaga Research Islam (Pesantren Luhur Islam Sunan Giri), Sejarah dan Dakwah Islamiyah Sunan Giri. Malang: Pesantren Luhur, 1975. – 120 h.
7. Martin van Bruinessen, Najmuddin al-Kubra, Jumadil Kubra and Jamaluddin al-Akbar; Traces of Kubrawiyya influence in early Indonesian islam. Bijdragen tot de Taal-, Land- en Volkenkunde 150 (1994), no: 2, Leiden, p.320.
8. Thomas W. Arnold, The preaching of Islam: A history of the propagation of the muslim faith. London: Constable, 1977. – P. 159.
9. Budiman, Amen, 1978, Serharang riwayatmu dulu, Jilid pertama, Semarang: Tanjung Sari. Hlm. 92-94.

<sup>13</sup> Husnul Hakim. Sejarah lengkap Islam Jawa: Menelusuri Genealogi Corak Islam Tradisi. Yogyakarta: Laksana, 2022. – H. 77-78.